

**БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ
ЖУРНАЛИ**
3 ЖИЛД, 1 СОН

**ЖУРНАЛ БИОЛОГИИ
И ЭКОЛОГИИ**
ТОМ 3, НОМЕР 1

**JOURNAL OF BIOLOGY AND
ECOLOGY**
VOLUME 3, ISSUE 1



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Миралимова Шахло Мирджамаловна
биология фанлари доктори, Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси
Микробиология институти директор
ўринбосари

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Тошмуҳамедова Шохиста Собировна
биология фанлари доктори, Мирзо Улуғбек
номидаги Ўзбекистон Миллий Университети
биология факультети, «биотехнология»
кафедраси профессори

Биология ва экология журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
Editorial Board of the Journal of biology and ecology
Редакционный совет журнала биологии и экологии

Нарбаева Хуршида Сапарбаевна

биология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Микробиология институти Тупроқ микробиологияси
лабораторияси кичик илмий ходими

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич

биология фанлари доктори, профессор Ўзбекистон Республикаси
Фанлари академияси акад. О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё
институти лаборатория мудири.

Кадырова Эльмина Мусрат

доцент, Бакинский государственный университет,
кафедра экологическая химия

Далимова Дилбар Акбаровна

кандидат биологических наук. к.б.н., с.н.с., зав.лаборатории
биологии Центра передовых технологий. Исследования в области
молекулярной генетики, Разработка современных тест-наборов для
клинико-биохимических исследований

Теа Мчедлури

доктор биологических наук,
Телавский государственный университет (Грузия)

Элова Нилуфар Арашовна

м.н.с. Института микробиологии АН РУз.

Жабборова Ойша Искандаровна

Бухоро давлат тиббиёт институти
“Тиббий биология” кафедраси мудири

PageMaker \ Верстка \ Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1. Jo'ra Berdiyev, Zarina Norqobilova, Jasur Normatov QASHQADARYO VILOYATI CHO'L SHAROITIDA NOVUZ BALIQCHILIGINI TASHKIL QILISH ISTIQBOLLARI.....	4
2. Гузал Искандарова, Гулбахор Боева ИЗМЕНЕНИЕ КАЧЕСТВА ВОДЫ ПОДЗЕМНОГО ВОДОИСТОЧНИКА ПРИ ЕГО ДЛИТЕЛЬНОЙ ЭКСПЛУАТАЦИИ.....	8
3. Жабборова Ойша, Худойкулова Насиба КОКЦИНЕЛЛИДЛАРНИНГ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАРДАГИ ТАҲЛИЛИ.....	12
4. Bobonazarov G'appon, Omonova Nafisa O'ZBEKISTONDA YIRIK SHOHLI QORAMOLLAR TERI OSTI O'QRASI HYPODERMA BOVUS (DIPTERA) O'RGANILISHIGA DOIR.....	20
5. Сафарова Закия, Тешаева Дилфуза БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ШЎРГА ЧИДАМЛИ КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ.....	24

БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ БИОЛОГИИ И ЭКОЛОГИЧЕСКИИ JOURNAL OF BIOLOGY AND ECOLOGY

УДК.581.1.

Сафарова Закия Тешаевна
Ўзбекистон Республикаси БухДУ
Биология кафедраси ўқитувчиси
Email: safarovazakiya@bk.ru

Тешаева Дилфуза Рахимовна
Ўзбекистон Республикаси БухДУ
Биология кафедраси ўқитувчиси
Email: dilruzateshayeva21@gmail.com

БУХОРО ВОҲАСИНИНГ ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ҲУДУДЛАРИДА ШҮРГА ЧИДАМЛИ КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0575-2021-1-5>

АННОТАЦИЯ

мақолада кузги буғдойнинг турли плодлари (тажриба синов) уруғлари устида Бухоро вилояти Жондор тумани “Машхура Муножот” фермер хўжалигида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари маълумотлари, тажрибада кузги буғдой ҳосилдорлиги барча вариантларда бевосита қўл ёрдамида ўриб-янчиб олиш йўли, олинган ҳосил стандарт намликка ва 100% тозалikka келтириб ҳисобланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда инновацион технологиялар кузги буғдойни экиш технологиялари, етиштириш технологиялари, ерга ишлов бериш, ўғитлаш, экиш муддатлари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат, кечки буғдой, кузги буғдой, иктисодиёт, сифатли буғдой дони, 1000 та дон оғирлиги, 100 ўсимлик таҳлили.

Safarova Zakiya Teshaeвна
Teacher of the Department of Biology
of Bukhara S.U. of the Republic of Uzbekistan
Email: safarovazakiya@bk.ru

Teshaeva Dilfuza Rakhimovna
Teacher of the Department of Biology
of Bukhara S.U. of the Republic of Uzbekistan
Email: dilruzateshayeva21@gmail.com

CULTIVATION OF SALT-RESISTANT AUTUMN WHEAT VARIETIES IN THE NORTH-WESTERN REGIONS OF THE BUKHARA OASIS

ABSTRACT

the article contains information on the scientific research works carried out on the seeds of various plods (experimental test) of autumn in the farmer farm "Mashhura Monajot" of Jondor District of Bukhara region, autumn harvest in the experiment the way of harvesting directly by hand in all variants, the data on the yield obtained are considered to be standard humidity and 100% purity. Innovative technologies in the cultivation of agricultural crops, technologies of autumn planting, technologies of cultivation, tillage, fertilization, and sowing dates were studied.

Keywords: feed, late wheat varieties, autumn wheat, spring wheat variety, economy, quality grains, 1000 grain weight, 100 plant analysis.

Сафарова Закия Тешаевна

Преподаватель кафедры Биология

БухГУ Республики Узбекистан

Email: safarovazakiya@bk.ru

Тешаева Дилфуза Рахимовна

Преподаватель кафедры Биология

БухГУ Республики Узбекистан

Email: dilruzateshayeva21@gmail.com

ВЫРАЩИВАНИЕ СОЛЕУСТОЙЧИВЫХ ОСЕННИХ СОРТОВ ПШЕНИЦЫ В СЕВЕРО-ЗАПАДНЫХ РАЙОНАХ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

АННОТАЦИЯ

в статье приведены сведения о научно-исследовательских работах, проведенных на семенах различных сортов (опытное испытание) осенней пшеницы в фермерском хозяйстве "Машхура Моножот" Джондорского района Бухарской области, осеннем сборе урожая в эксперименте способом уборки был проведен непосредственно вручную во всех вариантах, полученные данные по урожайности считаются нормативными по влажности и 100% чистоте. Изучены инновационные технологии в возделывании сельскохозяйственных культур, технологии осенней посадки, технологии возделывания, обработки почвы, внесения удобрений, сроки посева.

Ключевые слова: корм, поздние сорта пшеницы, осенняя пшеница, весенний сорт пшеницы, экономика, качественные зёрна, масса 1000 зерна, анализ 100 растения.

Кириш.

Кейинги йилларда республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги тармоқларига катта эътибор қаратиляпти, хусусан чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш ҳозирги долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг аграр соҳага жуда катта эътибор берилди бошланди. Чунки юрт фаровонлиги ва халқ дастурхони тўкин-сочинлигини шу соҳани ривожлантириш билан таъминлаш мумкин эди. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолини ўзимизда етиштирилган дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлаш устивор вазибалардан этиб белгиланди [5].

Бошоқли дон экинлари майдони суғориладиган ерлар ҳисобига сезиларли даражада кенгайтирилди. Серҳосил, юқори навли донлар кенг майдонларга экила бошланди [5].

Бухоро вилояти ҳам Республикамиздаги катта вилоятлардан бири бўлиб, майдони 40,3 минг км.кв. Аҳолиси 1 млн 894 минг 900 кишидан ортиқ (2019-йил 1-январ ҳолати). Вилоятда 11 та туман, 11 та шаҳар ва 69 та шаҳарча мавжуд. Бухоро вилояти майдони мамлакат майдонининг 9,0%, аҳолисининг 5,7% ини ташкил этади. Вилоятнинг айрим худудларида сизот сувлари ер юзига яқинлиги, ёғин камлиги, чўлда қум кўчиши каби салбий ходисалар ер фондидан фойдаланишда ортиқча меҳнат ва маблағ талаб этади. Аниқланган

табiiй газ захиралари жуда кўп. Бундан ташқари, нефт, бинокорлик материаллари, туз ва бошқа фойдали қазилма бойликлари топилган. Экин майдонларининг таркибида пахта ва ғалла асосий ўринни эгаллайди. Виляотда озиқбоп экинлар ҳам кўп экилади. Бу ерда баҳорнинг эрта келиши ва илик бўлиши туфайли ўрик, шафтоли, олча кенг тарқалган. Сўнгги 20 йил ичида иқтисодиёт, жумладан, саноат тармоқларининг ривожланишида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Агар виляотда 90-йилларнинг бошида атиги бир неча республика аҳамиятига эга саноат корхоналари фаолият юритган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 100 дан ошди. Ўтган йиллар давомида, умуман, саноат тармоғида 27 та янги турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: дончилик, пахтачилик, сабзавотчилик, қўйчилик.

Аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кузги буғдой нави устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида кучли, қимматли буғдой етиштиришда ресурслар тежалиши самарадорлиги математик, статистик усулларда таҳлил этилди. Сифатли буғдой дони етиштиришда, технологик жараёнларни бажаришда уларни минималлаштириш ва бошқа ресурстежовчи услублар қўлланилди.

Суғориш тартибини ўрганадиган тажрибалардан бошқа тажрибаларда тупроқдаги намлик чекланган нам сифимининг 70% дан кам бўлмаган ҳолда сақланади. Тажрибада ўрганилган усуллардан бошқа барча технологик усуллар Бухоро бўйича қабул қилинган умумий агротехника асосида ўтказилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Р.Ш.Тиллаев, Ш.Х.Абдуалимов “Кузги буғдой ва ғўза етиштириш асослари” китобидан фойдаланилди. Мазкур китобда кузги буғдой экинларининг биологик хусусиятлари, парваришlash агротехник тадбирлари, зараркунанда ва касалликларга чидамли навлари ва ҳосилни улардан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари бўйича маълумотлари эътиборга олинди [3].

Шунингдек, кузги буғдой экинларини табиат нокулайликларига, касаллик ва зараркунандаларга бардошлигини оширишда ўсишни яхшиловчи моддалар ҳамда сув ва ресурстежамкор технологияларнинг аҳамияти ва қўллаш усуллари ўрганиб чиқилди.

М.М.Адилов, Атабаева.Х.Н, Худойкулов.Ж.Б, Ғуломов.Б, Қодирхўжаев.О, Норкуловларнинг “Қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда инновацион технологиялар” (Фермерлар учун қўлланма) сидан кузги буғдойни экиш технологиялари, етиштириш технологиялари, ерга ишлов бериш, ўғитлаш, экиш муддатлари ўрганиб чиқилди.

Алмашлаб экишдаги ўрни. Кузги буғдой тупроқнинг унумдорлигига, бегона ўтлардан тоза ва нам билан яхши таъминланган тупроқларга талабчанлиги. Барқарор мўл ҳосил олиш учун кузги буғдойни алмашлаб экишда тўғри жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Кузги буғдой суғориладиган ерларда эртаги экинлардан бўшаган ерларга келаси йили такрорий экин сифатида экилиши керак. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган тавсияга кўра буғдойни ўсиб турган, лекин, пахтаси териб олинган ғўза орасига экиш усули қўлланилиб, яхши самара бермоқда. Бунда ресурс тежамкор технология ҳисобига иқтисодий самарадорлик ошмоқда. Кузги буғдойни лалми ерларнинг текислик ва дўнгли текислик зоналарда тоза шудгорга, ундан юқорироқ зоналарда тоза шудгордан ташқари, банд шудгорга экиш фойдали ҳисобланади [4].

Тадқиқот методологияси.

Тажрибада кузги буғдой ҳосилдорлиги барча вариантларда бевосита қўл ёрдамида ўриб-янчиб олиш йўли билан аниқланди. Олинган ҳосил стандарт намликка ва 100% тозалликка келтириб ҳисобланади (Доспехов Б.А., 1985).

Кузатишлар ва биометрик ўлчовлар тоқ қайтариқларда модел ўсимликларда олиб борилди. Фенологик кузатишлар Қишлоқ хўжалик экинларини нав синаш инспекцияси методикаси бўйича ўтказилди (1971).

Асосий тажрибаларимиз Бухоро виляоти Жондор тумани Алели маҳалла фуқаролар йиғинида «Машҳура-Муножот» фермер хўжалиги ер майдонларида олиб борилди.

Кузги буғдойнинг нави устида бир неча тажрибалар олиб борилди, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ўрганиш ва маҳсулдорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар:

-уруғларни дала унувчанлиги ва ўсимликларни туп қалинлиги ҳосилни йиғиштиришдан олдин доимий кузатиш олиб борилди 0,5 м²майдончаларда, пайкалчани диоганали бўйича жойлашган 10 та жойида ҳисоблаб борилди;

-кузги буғдой биометрик кўрсаткичлари 4 такрорлашдаги 0,5 м² майдончалардан танлаб олинган 20 та ўсимликда ҳар 8-10 кунда ўтказилади;

-кузги буғдойни тулланиш хусусиятларини, қурғоқчиликка чидамлиги ва турли ёшдаги новдаларни агротехник усулларга боғлиқ ҳолда чидамлиги, ўсув даврида яшовчанлигини ва маҳсулдорлигини ўрганиш мақсадида, майсалар тўла униб чиққандан бошлаб ҳар бир пайкалчадан 20 та ўсимликни олиб, бош ва ён пояларни ҳосил бўлиш тартиби аниқлаб борилди. Мум пишиш фазасида маҳсулдор тулланиш аниқланди;

-ётиб қолишга чидамлик чамалаш усули билан беш баллик шкала бўйича бошоқлаш ва доннинг мум пишиш фазаларида аниқланади. Тажрибада 5-балл ётиб қолиш кузатилмаган пайкалчаларда, 4-балл айрим жойларда ўсимлик қисман ётган пайкалчаларда, 3-балл ўртача ётиб қолган пайкалчаларда, 2- балл ҳосил йиғиштирилиши қийин бўлган, кучли ётиб қолган пайкалчаларда, 1- балл ҳосилни йиғиштириб олишга киришгунча ўсимликлар, анча вақт давомида ётиб қолган, ҳосилни фақат қўлда йиғиштириш мумкин бўлган пайкалчаларда баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар.

Тажрибадаги кузги буғдойнинг ҳосил структурасини аниқлаш учун ҳосилни йиғиштириб олишдан олдин, ҳар бир вариант ва такрорликларда белгилаб қўйилган (0,5м²) пайкалчалардан 100 туп ўсимлик намуналари олинди ва лаборатория шароитида уларда: ўсимликнинг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар ҳамда 1м² даги бошоқли поялар сони, бошоқ узунлиги, бошоқ ва бошоқчалардаги донлар сони, бир бошоқдаги ва 100та доннинг массаси, 1м² пайкалчадан олинган дон ва дон чиқиши, доннинг ифлосланганлик даражаси аниқланди.

Тажриба натижаси сифати ва маҳсулдорлигини аниқлаш мақсадида юқорида айтиб ўтганимдек кузги буғдойнинг Гром нави устида олиб борилган натижаларни ўнта плод (насл) мисолида аниқланди.

Қуйида шу навларнинг олтитасида амалга оширилган статистик маълумотларни келтирамиз. Тажрибадан мақсад кузги буғдой навининг бошоқ узунлиги, ҳар бир бошоқдаги донлар сони, 100 та доннинг оғирлиги ва 1000 доннинг оғирлигини аниқлаш, яъни навнинг сифат ва маҳсулдорлигини, Бухоро вилояти Жондор тумани тупроқларига чидамлигини белгилашдан иборат.

Тажриба натижалари қуйидагилардан иборат:

-64-тажриба синов нави- 10 дона бошоқнинг ўртача узунлиги -10,5 см: ҳар бошоқда доннинг ўртача сони-45 та, 100 дона доннинг оғирлиги 4 гр, 1000 донадон оғирлиги-40 гр ни ташкил этди;

-67- тажриба синов нави- 10 дона бошоқнинг ўртача узунлиги 10 см, ҳар бошоқда доннинг ўртача сони-42 та, 100 доннинг оғирлиги-4 гр, 1000 доннинг оғирлиги 16гр ни ташкил этди;

-65- тажриба синов нави- 10 дона бошоқнинг ўртача узунлиги 9 см, ҳар бошоқда доннинг ўртача сони- 40 та, 100 доннинг оғирлиги- 2 гр, 1000 доннинг оғирлиги 15гр ни ташкил этди;

-89- тажриба синов нави- 10 дона бошоқнинг ўртача узунлиги 9,7 см, ҳар бошоқда доннинг ўртача сони- 32 та, 100 доннинг оғирлиги- 7 гр, 1000 доннинг оғирлиги 60гр ни ташкил этди;

-99- тажриба синов нави- 10 дона бошоқнинг ўртача узунлиги 9 см, ҳар бошоқда доннинг ўртача сони- 42 та, 100 доннинг оғирлиги- 8 гр, 1000 доннинг оғирлиги 24гр ни ташкил этди;

-100- тажриба синов нави- 10 донна бошоқнинг ўртача узунлиги 7,9 см, ҳар бошоқда доннинг ўртача сони- 27 та, 100 доннинг оғирлиги- 4 гр, 1000 доннинг оғирлиги 10 гр ни ташкил этди.

Тажриба ва кузатувлар натижасини қуйидаги жадвал кўринишида таҳлил қилиш мумкин (**1- жадвал**).

Кузги буғдой. навининг дон ҳосилдорлиги таҳлили

1-жадвал

Плод (нав)	Бошоқнинг ўртача узунлиги (см)	Бошоқдаги донларнинг ўртача кўрсаткичи (сони)	100 донна доннинг ўртача оғирлиги (гр)	1000 донна доннинг ўртача оғирлиги (гр)
№64	10,5	45	4	40
№67	10	42	4	16
№65	9	40	2	15
№89	9,7	32	7	60
№99	9	42	8	24
№100	7,9	27	4	10

Буғдой устида олиб борилган тажриба синовларда уларнинг новда узунлиги ҳам ўлчаб борилди, тажрибада қўлланилган 100 та синов уруғлардан униб чиққан буғдойлар новда узунлиги қуйидаги кўрсаткичларга эга эди (**2- жадвал**).

Буғдой навларининг новда узунлиги

2-жадвал

№	Плод рақами	Новда узунлиги
1	№64	37.8 см
2	№65	34.5 см
3	№67	34.6 см
4	№89	56 см
5	№99	44.8 см
6	№100	40 см

Хулоса ва таклифлар.

Натижалардан кўриниб турибдики, тажриба синов учун олинган № 89 плот бошоқ узунлиги ва донлар сонига кўра бошқа плотларга нисбатан яхши кўрсаткичга эга. Биомасса, яъни яшил массаси, новда узунлиги ва ем-хашаклик миқдори нисбатан кам бўлишига қарамадан унвчанлиги, донлар сони ва вазнига кўра бошқа плодлар (наслларга) нисбатан маҳсулдорлиги юқори.

В.П.Плешков маълумотларига кўра, буғдой донида оксилнинг миқдори 9-26%, карбонсувлар миқдори 49-73% ни, ёғлар 1,5-3 % ни, клетчатка 1,8-2,5 % ни, кул моддалари 1,5-2,8 % ни, В₁ витамини (тиамин) 1,3 mg/kg ни, В₃ витамини (пантотен кислота) 13,6 mg/kg ни ташкил қилади. Буғдой донининг унидан ғоваклиги юқори, мазали, хушбўй, тўйимли юқори сифатли нонлар тайёрланади [5].

Кузги буғдойдан серҳосил нав олиш учун тажрибаларимиз давомида тупрокни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги усулларида фойдаланишга ҳаракат қилинди, ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш ва рақобатбардош навлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кузги буғдой навларини маҳаллийлаштириш кўзда тутилди. Тупрокни химояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқарувчи тизими бўлиб, ишлаб чиқаришни интенсифлаштириш ва табиий заҳира базасини ривожлантириш орқали рақобатбардош ҳосил олиш мақсадини кўзлайди [2].

Тажрибалар асосида олиб борилган натижаларни Жондор тумани “Ғайрат-Али” фермер хўжалиги билан таҳлил қилиб чиқилди ва келажакда тажриба майдонлари

кенгайтирилиб, маҳсулдор ва шўрга чидамли, серҳосил навлар устида илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш режалаштилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг қарори 25.11.1998 й. № 491
2. Сандра Корси. Тупроқни ҳимояловчи ва ресурстежовчи қишлоқ хўжалиги амалиёти. Шарқий Европа ва Марказий Осиёда қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва фермерлар учун ўқув қўлланма. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ҳафиз Мўминжонов раҳбарлиги ва умумий таҳрири остида. //Бирлашган миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти. Тошкент 2019 [38 бет].
3. Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Р.Ш.Тиллаев, Ш.Х.Абдуалимов. Кузги буғдой ва ғўза етиштириш асослари. Тошкент 2017. Ўқув қўлланма.
4. М.М.Адилов, Атабаева.Х.Н, Худойкулов.Ж.Б, Гуломов.Б, Қодирхўжаев.О, Норкулов.У. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришда инновацион технологиялар (Фермерлар учун қўлланма). Тошкент 2013.
5. О.Якубжонов, С.Турсунов, Ж.Муқимов. “Дончилик”. Дарслик. Тошкент “Янгиаср авлоди” нашриёти. 2009 (3 бет, 42-бет)

**БИОЛОГИЯ ВА ЭКОЛОГИЯ
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ БИОЛОГИИ
И ЭКОЛОГИИ**

**JOURNAL OF BIOLOGY AND
ECOLOGY**

№1 (2021)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000